


## Х. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларни эркин фаолият юритиши учун қулай шароит ва муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар давомида 2021 йил 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 28 805 тани ташкил қилди. (2020 йил 1 мартга нисбатан 123,1 % га кўпдир).

### Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг 2021 йил 1 апрель ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши



■ Саноат ■ Савдо ■ Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги ■ Қурилиш ■ Бошқалар

Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо тармоғида (жами ташкил этилган субъектларнинг 36,2 %), саноат соҳасида (26,5%), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (9,6 %) ва қурилишда (8,3 %) ташкил этилган.


## Худудлар бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар

	2020 йил январь-март	2021 йил январь-март
<b>Вилоят жами</b>	<b>1 626</b>	<b>4 900</b>
Наманган шаҳар	375	1 042
Мингбулоқ	100	303
Косонсой	85	278
Наманган	139	403
Норин	119	287
Поп	212	453
Тўрақўрғон	100	371
Уйчи	111	394
Учқўрғон	113	353
Чортоқ	104	303
Чуст	112	409
Янгиқўрғон	56	304

2021 йилнинг январь-март ойларида янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар худудлар бўйича энг кўп Наманган шаҳрида – 1042 та, Поп туманида – 453 та, Чуст туманида – 409 та, Наманган туманида – 403та, Уйчи туманида – 394 та, Тўрақўрғон тумани - 371 та, Учқўрғон туманида -353та, Норин тумани, Янгиқўрғон тумани, Чортоқ ва Норин туманларида бу кўрсаткич ўрта даражада бўлиб, 304-287 тани ташкил этган. Энг паст кўрсаткич Косонсой туманида – 278 тани ташкил этди.



### 2021 йил январь-март ойларида янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмаларнинг ҳудудлар бўйича улуши, фоизда




2021 йил январь-март ойларида ҳудудлар бўйича янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг жами миқдоридан энг кўп улуш Наманган шаҳри - 21,3 %, Поп тумани – 9,2 %, Чуст тумани – 8,3 %, ва Уйчи тумаларида – 8,0 %, Учқўрғон – 7,2 %, Тўрақўрғон туманида -7,6% Наманган тумаларида – 8,2 %, Чортоқ тумани 6,2 % ва Косонсой тумани – 5,7 %, ташкил этди.

2021 йил январь-март ойларида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 62,8 % (2020 йил январь-март ойларида 61,9 %) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

Кичик бизнес субъектлари томонидан 37,8 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 41,9 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 101,3 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 81,9 %) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

## Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодийдаги улуши

(январь-март ойлари ҳолатига, фоизда)



## Кичик тадбиркорлик субъектлари (иш, хизмат) ҳажми (2021 йил январь-март)

	Кичик тадбиркорлик субъектлари (иш, хизмат) ҳажми, млрд. сўм	Жами ҳажмга нисбатан улуши, % да
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	1 396,8	87,8
Саноат	1 096 339,0	38,8
Қурилиш	672 010,6	68,0
Чакана савдо	2 591 057,0	92,4
Юк ташиш, млн. тонна	20,6	95,1
Йўловчи ташиш, млн. киши	102,0	97,8

**2021 йил январь-март ойларида кичик тадбиркорликнинг  
худудлар кесимида иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши,  
(фоизда)**

	Саноат	Қурилиш	Хизматлар	Инвестициялар
<b>Вилоят жами</b>	<b>63,6</b>	<b>89,8</b>	<b>66,1</b>	<b>76,2</b>
Наманган шаҳар	79,6	73,2	44,5	72,0
Мингбулоқ	34,9	100,0	82,5	55,5
Косонсой	97,3	100,0	82,7	94,1
Наманган туман	33,3	100,0	77,9	80,6
Норин	100,0	100,0	82,3	83,1
Поп	81,8	72,8	69,7	57,5
Тўрақўрғон	39,0	100,0	76,0	55,2
Уйчи	100,0	100,0	80,9	88,4
Учқўрғон	32,0	100,0	76,8	95,8
Чортоқ	100,0	96,6	78,0	81,0
Чуст	28,8	96,8	77,3	92,8
Янгиқўрғон	100,0	100,0	82,5	89,3

Худудлар бўйича **саноат** соҳасининг юқори улушини Чортоқ, Уйчи ва Янгиқўрғон туманлари (100,0 %) ҳамда Косонсой (97,3 %) туманлари ташкил этди.

**Қурилишда** - Мингбулоқ, Косонсой, Наманган тумани, Норин, Тўрақўрғон, Уйчи, Учқўрғон ва Янгиқўрғон Чуст туманларида 100,0 %, Наманган шаҳар 73,2 % ва Поп тумани 72,8 % ташкил этди.

**Хизматлар соҳасида** – Янгиқўрғон (82,5 %), Уйчи (80,9 %), Наманган туман (77,9 %), Чортоқ (78,0 %), Норин (82,3 %), Учқўрғон (80,9 %), Чуст (77,3 %), туманлари ташкил этди.

**Инвестицияда** – Учқўрғон (95,8 %), Чуст (92,8%), Янгиқўрғон туманлари (89,3 %), Уйчи (88,4 %), Норин (83,1 %) ва Чортоқ (81,0 %) туманлари юқори улушларни ташкил этди.